O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI
INV.№

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: xalksuzi@uzpak.uz ● 2004 йил 6 апрель №71 (3346) Сешанба





# ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 5 апрель куни Оқсаройда Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг (ЕХҲТ) амалдаги раиси, Болгария ташқи ишлар вазири Саломон Пассини қабул қилди.

Ўзбекистоннинг ЕХҲТ билан ҳамкорлиги ҳарбий-сиёсий, иқтисодий ва инсоний мезонларни кенг қамраб олган. АҚШда рўй берган 2001 йил 11 сентябрь воқеаларидан кейин ЕХҲТнинг фаолиятида, хусусан, минтақамиз ва мамлакатимиздаги фаолиятида хавфсизлик энг долзарб масалалардан бирига айланди. Сўнгги вақтларда мазкур халқаро ташкилот давлатлар чегараларини мустаҳкамлаш, қурол-яроғнинг ноқонуний савдоси ва терроpчиликни молиялаштиришга қарши кураш, ҳуқуқ-тартибот органлари ходимларини ўқитиш ва қонунчиликни такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратмоқда.

2003 йили ЕХҲТнинг Тошкентдаги маркази томонидан чегара ва божхона хизматлари ходимлари учун ўқув семинарлари, енгил ва ўқотар қуроллар бўйича семинар ва бошқа тадбирлар ўтказилди. Жорий йилда ҳам бир неча ўқув семинарларини ташкил этиш кўзда тутилган.

Иқтисодий соҳага ҳам эътибор кучайди. ЕХҲТ иштирокида Ўзбекистонда кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш, ёшларда ишбилармонлик кўникмаларини ҳосил қилиш бўйича лойиҳалар, "Маҳалла ва атроф муҳит муҳофазаси" дастури амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон ҳукуматининг ЕХҲТ иқтисодий лойиҳалари кўламини кенгайтириш борасидаги таклифлари ташкилот томонидан илиқ қабул қилинди. Шу муносабат билан Тошкентдаги марказнинг лойиҳаларга доир фаолияти учун қўшимча маблағ ажратишга қарор қилинган. Аниқроғи, 2003 йили Ўзбекистондаги лойиҳалар учун 683 минг евро берилган бўлса, жорий йил учун 1 миллион 146 минг евро ажратиш кўзда тутилмоқда.

Ташкилотга Ўзбекистоннинг Шарқий Европадаги ишончли шерикларидан бўлган Болгария раислик қилаётганини таъкидлаш ҳам ўринлидир. Бу мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни янада кенг асосда ривожлантиришга имкон беради. Хусусан, ЕХҲТнинг амалдаги раҳбарияти таълим тизимини ривожлантиришни устувор соҳалардан бири сифатида белгилаган. Тошкентда Марказий Осиё мамлакатлари ва Афғонистонда таълимни ривожлантириш масалаларига бағишлаб минтақавий анжуман ўтказилгани кенг миқёсли ҳамкорлик бошлаб юборилганидан далолатдир.

Оқсаройдаги учрашувда мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистоннинг ушбу ташкилот билан кўп томонлама алоқалари ҳамда Болгария билан ўзаро муносабатлари жадал ривожланиб бораётганидан мамнуният изҳор этди. Меҳмонни Болгария НАТОга аъзо бўлгани муносабати билан табриклади.

С.Пасси ЕХҲТ Доимий кенгашининг ўтган ҳафта Венада бўлиб ўтган йиғилишида 55 мамлакатни ўз ичига олган ушбу ташкилот Ўзбекистонда амалга оширилган террорчилик ҳаракатларини қаттиқ қоралагани, мамлакатимиз ҳукумати ва халқига ҳамдардлик изҳор этиб, террорчиликка қарши курашда ҳар томонлама ёрдам кўрсатишга тайёрлик билдирганини таъкидлади. Айни пайтда Тошкентга келиб, мамлакатимизда ҳаёт маромида давом этаётганига, одамларда саросима йўқлигига гувоҳ бўлганини қайд этди.

Учрашувда Ўзбекистон-ЕХҲТ муносабатлари ва мамлакатимизнинг Болгария билан ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш, минтақавий хавфсизлик муаммолари, томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

**(ЎзА)**

**СУРАТЛАРДА: қабул пайти. Абдувоҳид ТЎРАЕВ олган суратлар.**

## ЕХҲТ РАИСИНИНГ УЧРАШУВЛАРИ

***ТОШКЕНТ (ЎзА мухбири Нодирбек ЎЛЖАБОЕВ).***

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг (ЕХҲТ) амалдаги раиси, Болгария Республикаси ташқи ишлар вазири, Саломон Пасси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раиси Эркин Халилов билан учрашди.

Музокарада Ўзбекистон олий қонунчилик органи ва ЕХҲТ Парламент ассамблеяси ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантиришга оид масалалар муҳокама этилди.

Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Содиқ Сафоев билан учрашувда мамлакатимизнинг Болгария билан муносабатлари, ЕХҲТ доирасидаги ҳамкорлик истиқболлари, минтақавий хавфсизликка оид муаммоларни бартараф этиш, хусусан, Афғонистондаги вазият юзасидан фикр алмашилди.

## ЕХҲТнинг "Таълим – келажакка йўналтирилган сармоя" минтақавий конференцияси иштирокчиларига

*Ҳурматли анжуман қатнашчилари!*

*Сизларни Ўзбекистон пойтахти – Тошкент шаҳрига ташрифингиз билан чин дилдан қутлайман.*

*Марказий Осиё жаҳон цивилизацияси тарихида илм-фан вужудга келган ва тараққий этган, эзгулик ва инсонпарварлик ғоялари қарор топган минтақа сифатида алоҳида ўрин эгаллайди.*

*Муҳаммад ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Мирзо Улуғбек ва бошқа қатор буюк мутафаккирларнинг номлари бугунги кун маорифига асос бўлган мерос билан узвий боғлиқдир.*

*Ҳозирги пайтда бир ҳақиқатни ҳар қачонгидан кўра теран англаб олиш муҳим аҳамиятга эга: самарали таълим тизимини яратмасдан туриб жамиятни ислоҳ этиш бўйича белгиланган вазифалар ижросини тасаввур этиш қийин.*

*Ушбу соҳага устувор аҳамият берилиши, шубҳасиз, унинг келгуси тараққиёти учун замин ҳозирлайди. Иқтисодиёт ва ижтимоий соҳанинг муттасил ривожланишига эришиш учун узлуксиз таълим тизимини қўллаб-қувватлаш, энг янги технологияларни жорий этиш ва халқаро таълим билан интеграциялашув талаб этилади. Бу вазифа Ўзбекистонда амалга оширилаётган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида ўз ифодасини топган.*

*Бугунги кунда таълим нафақат давлатнинг барқарор ривожланишини таъминлашда, айни пайтда террорчилик ва диний экстремизм каби хавфсизликка нисбатан янги таҳдидларнинг вужудга келиши ва тарқалишининг олдини олишда ҳам муҳим аҳамиятга эга экани барчага аён. Ислом динини сиёсийлаштиришга ва ундан экстремистик мақсадларда фойдаланишга уринишлар давом этаётган вазиятда таълим соҳаси "тафаккур учун кураш"нинг, аввало, ёш авлод дунёқараши учун курашнинг асосий омилларидан бири ҳисобланади.*

*Фаолиятида таълим масалалари тобора устувор аҳамият касб этаётган ЕХҲТга ўзимнинг самимий миннатдорлигимни билдираман. Бунда ЕХҲТга раислик қилаётган Болгариянинг хизмати алоҳида аҳамиятга эга.*

*Ишончим комилки, ушбу анжуман таълим соҳасидаги халқаро ҳамкорликнинг янада ривожланиши ва кенгайишига хизмат қилади.*

*Барчангизга ана шу олижаноб ишда самарали меҳнат ва муваффақият тилайман.*

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти.**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЛАТВИЯГА ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Латвия Республикаси Президенти Вайра Фрике-Фрейберганинг таклифига биноан 2004 йил 7-8 апрель кунлари давлат ташрифи билан Латвияда бўлади.

Ташриф давомида ўзаро муносабатларнинг бугунги аҳволи ва истиқболлари, томонларни қизиқтирган халқаро муаммолар муҳокама этилиши ҳамда қатор икки томонлама ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилмоқда.

## Дарёлар оғушидаги мамлакат

Латвия ҳақида гап кетганда, баъзилар Болтиқбўйида жойлашган, тарихий обидаларга бой кўҳна давлатни тасаввур қилса, бошқалар уни дарёлар оғушидаги мамлакат дейишади.

Дарҳақиқат, Шарқий Европа текислигининг энг ғарбий қисмида жойлашган ушбу кичик давлатда 700 дан зиёд дарё ва ирмоқлар мавжуд. Улардан энг йириги Даугава дарёсидир. Ирмоқлари Россияда бошланадиган бу дарёнинг узунлиги 1020 километрдан зиёд. Бундан ташқари, Латвияда Гауя, Лиелупе ва Вента каби йирик дарёлар ҳам бор. Шу сабабли, мамлакатда ерларининг намлиги юқори. Болтиқ денгизига яқинлиги учун ҳудуднинг иқлими юмшоқ. Қишда ҳавонинг ўртача ҳарорати 5 даража атрофида совуқ, ёзда эса 17 даража атрофида иссиқ бўлади.

(Давоми 2-бетда).

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг*

*ҚАРОРИ*

## Оролбўйи генофондини муҳофаза қилиш хайрия жамғармасини ташкил этиш тўғрисида

Оролбўйи экологиясини яхшилаш, аҳолиси соғлиғини мустаҳкамлаш ва атроф табиий муҳитини муҳофаза қилиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар, банклар, халқаро ташкилотлар; жамоат ташкилотлари ва тузилмаларнинг Оролбўйи генофондини муҳофаза қилиш хайрия жамғармасини ташкил этиш ҳамда уларнинг Жамғарма муассислари сифатида қатнашиши тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар Жамғарманинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

минтақани барқарор ривожлантиришнинг асосий шарти сифатида Оролбўйи аҳолиси соғлиғини сақлаш ва атроф табиий муҳитини муҳофаза қилиш масалалари бўйича тизимли дастурлар ва лойиҳалар ишлаб чиқишни ташкил этиш ва уларни амалга ошириш;

соғлиқни сақлаш минтақавий тизимини такомиллаштиришда, аҳолининг, айниқса болалар ва аёлларнинг соғлиғи даражасини оширишда, санитария-эпидемиология вазиятини яхшилашда, кундалик ҳаётга оилавий саломатлик маданиятини жорий этишда ёрдам кўрсатиш;

атроф табиий муҳит, шу жумладан Оролбўйи наботот ва ҳайвонот дунёсини соғломлаштириш ҳамда муҳофаза қилиш муаммоларини ҳал этишга жамоатчиликни жалб этиш;

минтақанинг биологик ранг-баранглигини сақлашда ва тиклашда фаол иштирок этиш;

юқорида кўрсатиб ўтилган муаммолар ва вазифаларни ҳал қилишга халқаро ташкилотларни кенг жалб этиш.

3. Қуйидагилар:

Оролбўйи генофондини муҳофаза қилиш хайрия жамғармасининг Ҳомийлик кенгаши таркиби;

Жамғарманинг ходимлари сони 5 нафар бўлган ижро этувчи дирекцияси тузилмаси маъқуллансин.

4. Белгилаб қўйилсинки:

бюджетдан ташқари маблағлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси резидентлари ва норезидентлари бўлган юридик ва жисмоний шахсларнинг, Ҳукуматга қарашли ва Ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро ташкилотларнинг, ҳомийларнинг ҳомийлик маблағлари, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар Жамғарма маблағларини шакллантириш манбалари ҳисобланади;

Жамғармага тушадиган маблағлар солиққа тортилмайди.

5. Япония, Жанубий Корея, Ҳиндистон ва Туркия ҳукуматларидан Оролбўйидаги экологик аҳволни яхшилаш учун тушган 513854 АҚШ доллари миқдоридаги маблағларнинг Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, манфаатдор вазирликлар ва идораларнинг таклифига кўра белгиланган тартибда Жамғармага берилиши маълумот учун қабул қилинсин.

6. Қуйидагиларга:

а) Жамғарма муассисларига — бир ой муддатда Жамғарма уставини ишлаб чиқиш ва белгиланган тартибда тасдиқлаш тавсия этилсин;

(Давоми 2-бетда).

## МИНТАҚАВИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ

***ТОШКЕНТ (ЎзА мухбири Бобур СОБИРОВ).***

"Интерконтинентал" меҳмонхонасида "Таълим — келажакка йўналтирилган сармоя" мавзуида минтақавий конференция бўлиб ўтди. Ўзбекистон ҳукумати ҳамда Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти (ЕХҲТ) ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу анжуманда Марказий Осиё мамлакатлари ҳамда Афғонистон таълим вазирликлари раҳбарлари иштирок этди.

Анжуманни ЕХҲТнинг амалдаги раиси, Болгария ташқи ишлар вазири Саломон Пасси очди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг конференция иштирокчиларига табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси А.Абдувоҳидов ўқиб эшиттирди.

Конференцияда жаҳон андозаларига асосланган таълим тизимини жорий этиш иқтисодий-сиёсий тараққиёт билан бир қаторда хавфсизлик ва барқарорлик тамойилларини янада мустаҳкамлашнинг муҳим омилларидан бири экани таъкидланди. Шу жиҳатдан олиб қаралганда, Ўзбекистонда изчиллик билан амалга оширилаётган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури мамлакатимизда таълим соҳасини ислоҳ қилиш ва ривожлантиришда муҳим омил бўлмоқда.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазири С.Ғуломов мамлакатимиз таълим тизимида ҳаётга изчиллик билан татбиқ этилаётган ислоҳотлар, ёш авлодга пухта билим беришни таъминлаш, педагоглик касбининг нуфузини ошириш йўлида амалга оширилаётган ишлар хусусида батафсил тўхталди.

Қозоғистон таълим ва фан вазири ўринбосари Кулуаш Шамсиддинова, Қирғизистон таълим вазири Мустафо Кидибоев, Тожикистон таълим вазири Сафарали Ражабов ҳамда Афғонистон таълим вазири Юнус Қонуний сўзга чиқиб, ушбу мамлакатларда таълим соҳасини ривожлантиришга қаратилаётган эътибор, мазкур йўналишда амалга оширилаётган ишлар хусусида сўзлади.

Қатнашчилар Марказий Осиё мамлакатларининг таълим соҳасидаги ҳамкорлигини ривожлантириш, таълим жараёнига халқаро ва нодавлат ташкилотларни жалб қилиш, ЕХҲТнинг мазкур соҳадаги фаолиятини кенгайтириш ва Марказий Осиё минтақасидаги таълим тизимини янада такомиллаштириш истиқболлари юзасидан фикр алмашдилар.

Анжуманда Жаҳон банки, Осиё Тараққиёт банки, БМТнинг Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ) каби қатор халқаро ташкилотлар мутахассислари сўзга чиқиб, Марказий Осиё мамлакатлари ва Афғонистон таълим тизимидаги вазият, ушбу соҳани ривожлантириш, таълим олиш жараёнининг жаҳон андозаларига мос келиши йўлида қилиниши лозим бўлган ишлар борасидаги қарашларини баён этди.

*Муносабат*

# ҚАБОҲАТ ТУЗОҒИ

***Бугун дунёнинг қайси қитъаси ёки мамлакатида истиқомат қилишидан қатъи назар, ҳар қандай инсон террор нима, террорчи ким эканини яхши билади. Чунки ҳозирги вақтда одамни сескантирадиган бу совуқ сўзларни эшитмаган киши йўқ.***

***Шу боис ҳам бугунги кунда жаҳон аҳли бутун башариятга хавф солаётган бу мудҳиш балога қарши курашмоқда, барча куч ва имкониятларни бирлаштириб, унинг олдини олиш чора-тадбирларини изламоқда.***

Мана шундай мураккаб жараёнда дунё миқёсида илгари кўрилмаган, янги, ғалати бир ҳолат пайдо бўлмоқда. Ўз меҳнати, қувонч-ташвишлари билан яшаётган миллионлаб одамлар ҳаётига, тинчлик ва хавфсизликка катта таҳдид солаётган бу ҳолатни маълум маънода "информацион террор" деб аташ мумкин. Даҳшатли моҳиятини ҳали кўпчилик билиб-билмай, англаб етмай турган бу ғаламисликнинг оқибати ер юзининг турли бурчакларида минглаб бегуноҳ кишиларнинг умрига зомин бўлаётган террорчи кимсаларнинг кирдикорларидан асло кам эмас.

Маълумки, демократик жамиятда оммавий ахборот воситалари, теле ва радиоканаллар одамларга холис ва ҳаққоний ахборот етказадиган, гуманистик қарашлар, прогрессив ғояларни ифода қиладиган эркин минбар сифатида эътироф этилиши барчага аён. Лекин, афсус билан қайд этишга мажбурмизки, кейинги пайтда баъзан дунё матбуотида ўз касбининг фидойиси бўлган юзлаб-минглаб журналистларнинг истеъдоди, эътиқод ва жасорати билан эришилган ана шу тамойиллардан чекиниш ҳоллари ҳам кўзга ташлана бошлади.

Буни сўнгги кунларда мамлакатимизда рўй берган террорчилик ҳаракатларини ёритишда айрим ахборот воситаларининг холислик ва ҳаққонийликдан йироқ, нафақат журналистика талаби, балки инсонийлик қоидаларига ҳам зид бўлган фаолияти мисолида яққол кўриш мумкин. Ва ақли расо инсон айни шундай кескин вазиятларда юқорида тилга олинган "информацион террор" амалга оширилаётганини сезиши қийин эмас.

Хўш, моҳият-эътиборига кўра фақат демократик тамойилларга, яъни инсонпарварлик, адолат ва эзгулик принципларига риоя этиши, уларни ёқлаши ва ҳимоя қилиши лозим бўлган журналист аҳлини бундай йўл тутишга нима мажбур этмоқда? Бундай мухбирларнинг Тошкент ва Бухорода юз берган воқеа-ҳодисаларни бузиб кўрсатишига, факт ва далилларни, ҳақиқий аҳвол билан боғлиқ маълумотларни ўзлари (аслида пул тўлайдиган эгалари) хоҳлаган тарзда талқин қилиш учун уринишига сабаб нима?

### Бир думалаб ўзгарган одам...

Ўзимизга бир тасаввур қилиб кўрайлик: одам бир думалаб, бошқа жонзотга, айтайлик, туяқушга айланиши мумкинми? Мумкин. Фақат эртакларда, холос. Яна фараз қилайликки, бир умр коммунистик ғоялар тарғиботчиси бўлган ва буни ўзи учун фахр деб билган журналист бир думалаб демократга, демократик тамойиллар куйчисига айланиб қолиши мумкинми? Не ажабки, мумкин экан. Чунки совет тарихидан маълумки, большевиклар забт этолмайдиган қалъанинг ўзи йўқ.

Агар бизнинг гапимизга шубҳа қилсангиз, марҳамат, узоққа бормасдан, айрим чет эл газеталари, радиостанциялари, ахборот агентликларининг мамлакатимиздаги мухбирларини, яъни "ўзимиздан чиққан болаларни", яна ҳам аниқроқ айтадиган бўлсак, "местний кадрлар"ни кўз олдингизга келтиринг. "Маҳаллий-хорижий" мухбирлардан иборат бу ажабтовур қавм орасида бугун кимларни учратмайсиз!

Мана, улардан бири – яқин ўтмишимизда катта бир ижодий ташкилотнинг партком секретари бўлиб, не-не адибу шоирларга ленинча яшаш ва ишлаш, ижод қилиш бўйича шундай ақл ўргатардики, бундай коммунистик ғайрат ва садоқатни кўриб, агарки пролетар доҳийси бўлмиш Ильичнинг ўзи тирилиб келса ҳам, бунга лол қолган бўларди.

Буни қарангки, орадан ўн-ўн беш йил ўтиб-ўтмай, бизнинг парткомимиз шундай ашаддий демократ бўлиб кетдики, мабодо даврон эврилиб, демократия ота-

(Давоми 2-бетда).

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг*
*ҚАРОРИ*

# Оролбўйи генофондини муҳофаза қилиш хайрия жамғармасини ташкил этиш тўғрисида

(Давоми. Боши 1-бетда).

б) Жамғарманинг Ҳомийлик кенгашига:

Жамғарма олдида турган вазифаларни ҳал этишга манфаатдор давлат, жамоат тузилмаларининг ва Ҳукуматга қарашли бўлмаган тузилмаларнинг, шунингдек халқаро ташкилотларнинг жалб этилишини таъминлаш;

Орол денгизи ва Оролбўйи зонасининг биологик ранг-баранглигини сақлаш, аҳоли соғлиғини мустаҳкамлаш, болаларни спорт билан шуғулланишга кенг жалб қилиш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, минтақада тарқалган касалликларнинг олдини олиш, аҳолининг яшаш ва турмуш шароитларини яхшилаш, давлатнинг мақсадли дастурларини бажариш бўйича вазифаларнинг бажарилишини таъминловчи аниқ чора-тадбирларни амалга ошириш;

Жамғарманинг моддий-техник ва молиявий базасини мустаҳкамлашда уни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш;

Жамғарма маблағларидан мақсадли, қонуний ва самарали фойдаланилиши устидан қатъий назоратни таъминлаш;

Жамғармани Ҳукуматга қарашли бўлмаган ташкилот сифатида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказишда кўмаклашиш;

Нукус ва Урганч шаҳарларида, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг ва Хоразм вилояти ҳокимининг иқтисодиёт ва ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосарларига Жамғарма бўлимларига жамоатчилик асосида раҳбарлик қилишни юклаган ҳолда, Жамғарма бўлимларини очиш тавсия этилсин.

7. Жамғарманинг ижро этувчи дирекцияси Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирлиқлар ва идоралар, жамоат ташкилотлари билан биргаликда Жамғарма маблағларини шакллантириш ва улардан мақсадли фойдаланиш тартибини бир ой муддатда ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси, UzGEF агентлиги Оролбўйи генофондини муҳофаза қилиш хайрия жамғармаси фаолиятини ташкил этишда фаол иштирок этсинлар.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Р.Азимов ва А.Азизхўжаев зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2004 йил 3 апрель.

# Дарёлар оғушидаги мамлакат



(Давоми. Боши 1-бетда).

Умумий майдони 64,6 минг квадрат километрдан иборат мамлакатда 2 миллион 400 мингга яқин аҳоли истиқомат қилади. Уларнинг учдан бир қисми пойтахт Ригада яшайди. Латишлар мамлакат аҳолисининг 58 фоизига яқинини ташкил этади. Мамлакатда, шунингдек, руслар, белоруслар, украинлар, поляклар ва бошқа миллат вакиллари ҳам бор. Аҳолининг асосий қисми католик (55 фоиз)лардир.

Мамлакат ҳудуди 4 та маданий-тарихий минтақа, яъни ғарбда Курземе (Курландия), жанубда Земгале, шимоли-шарқда Латгалия ва марказий қисмидаги Видземедан иборат.

Тарихчилар қадимда ҳозирги Латвиянинг ҳудудида кимлар яшаган деган саволга ҳамон жавоб излашаётир. Баъзи тахминларга кўра, эрамиздан аввалги 3 мингинчи йилларнинг ўрталаридаёқ бу ерларда ҳунармандчилик, хусусан, кулолчилик кенг ривожланган. Кейинчалик уларнинг маданияти Болтиқбўйида яшаган қабилалар маданиятига асос солган.

Мамлакат тарихига назар ташлайдиган бўлсак, унда мазкур давлатнинг узоқ вақт мобайнида мустақиллик учун курашганини кўриш мумкин. Шунга қарамай, мамлакат фақат 1918 йилда Россия империяси таркибидан чиқиб, мустақил бўлди. Аммо 1940 йилда собиқ иттифоқ таркибига киритилди.

Яқин тарихдан маълумки, собиқ иттифоқдаги Болтиқбўйи давлатлари мустақилликка эришиш учун курашда илғорлар сафида турди. Хусусан, Латвия Олий Кенгаши 1990 йилнинг 4 май куни мамлакат мустақиллигини тиклаш тўғрисида декларация қабул қилди, 1991 йилнинг 21 августида эса давлат мустақил деб эълон қилинди.

Истиқлолга эришгач, Латвия жаҳон ҳамжамиятининг тўлақонли аъзоси бўлишга ҳаракат қилди. Мамлакат 1991 йилнинг сентябрида БМТ, 1992 йилда Жаҳон банки ва Халқаро валюта жамғармаси, 1995 йилда Европа Кенгашига аъзо бўлди, яқинда Латвия НАТО таркибига кирди.

Латвия Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо бўлмаса-да, Ҳамдўстликдаги кўпчилик давлатлар билан ўзаро шартномалар имзолаган. Хусусан, Латвия Ўзбекистон билан алоқаларини ривожлантиришга ҳам катта эътибор қаратаётир. Бу алоқалар, айниқса, ўзаро манфаатли иқтисодий ҳамкорликда ўз ифодасини топмоқда. Бугунги кунда мамлакатимизда бир неча Ўзбекистон-Латвия қўшма корхоналарининг фаолият юритаётгани фикримизни тасдиқлаб турибди.

*Харита*



**Салим ДОНИЁРОВ.**

# ФАХРИЙ БОШ КОНСУЛЛАР ЮРТИМИЗДА

Мамлакатимизга ташриф буюрган Ўзбекистон Республикасининг Мадрид ва Барселона шаҳарларидаги Фахрий бош консуллари Сантьяго Руиз-Моралес ва Пере Висенс Рахола Ўзбекистон ташқи ишлар вазири Содиқ Сафоев билан учрашди.

Юртимизнинг Испания билан алоқалари узоқ ўтмишга бориб тақалади. Тарихдан маълумки, Амир Темур давлати ҳамда Кастилия қироллиги ўртасида дипломатик ёзишмалар олиб борилган. 1404 йилда Мовароуннаҳрга келган испан элчиси Руи Гонсалес дѐ Клавихо Соҳибқирон ҳақида эсдаликлар ёзиб қолдирган.

Ташқи ишлар вазирлигидаги мулоқот чоғида икки мамлакат муносабатлари бугун ҳам жадал ривожланаётгани, хусусан, Самарқанд ва Мадрид, Бухоро ва Барселона шаҳарлари ўртасидаги дўстона алоқалар мустаҳкамланаётгани таъкидланди.

Испаниялик меҳмонлар, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Маданият ишлари вазирлиги, Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзтелерадиокомпания ва "Ўзбексавдо" акциядорлик компанияси каби ташкилотларда ҳам учрашувлар ўтказди.

**(ЎзА).**

# Яйлов тўла қўй-қўзи

Пахтачи туманидаги "Қарнаб ота" қоракўл наслчилигига ихтисослашган ширкат хўжалигида республикамизда биринчи бўлиб қўзилатиш мавсуми муваффақиятли якунланди. Иш оилавий пудрат асосида ташкил қилинганлиги, ушбу тадбирга пухта тайёргарлик кўрилганлиги туфайли юқори кўрсаткичларга эришилди. Мавжуд 21605 бош совлиқнинг ҳар юзтасидан 126 бошдан қўзи олиниб, уларнинг асосий қисми ўстиришга қолдирилди. Шу билан бирга, 8310 дона сифатли қоракўл тери ҳам тайёрланди.

Бундай ижобий натижаларга эришишда Ҳусниддин Усмонов, Ислом Ҳусанов, Ориф Ғаниев ва Ғайрат Шарипов каби чўпонларнинг ҳиссаси, айниқса, катта бўлди.



**Ҳосил КАРИМОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

***Ўтган шанба куни республикамизнинг энг йирик универсал банкларидан бири — акциядорлик тижорат «Пахта банк»и акциядорларининг йиллик ҳисобот йиғилиши бўлиб ўтди.***

# «Пахта банк» акциядорларининг ҳисоботи

Таъкидландики, бугунги кунда банк 71 мингдан зиёд акциядорларига эга. У 13 та вилоят бошқармаси, 184 та бўлими ва 229 та мини банки орқали мулкчиликнинг турли шаклидаги 242 мингдан кўпроқ мижозларга комплекс банк хизматларини кўрсатиб келмоқда.

2003 йил 31 декабрь ҳолатига кўра, «Пахта банк»нинг жамланма капитали 46 миллиард сўмга шакллантирилиб, бу кўрсаткич йил бошидагига нисбатан 10 миллиард сўмга ёки 128 фоизга кўпайди. Ссуда активлари 122 миллиард сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу давридагига таққосланганда 31 миллиард сўмга ёки 134 фоизга ортди.

Бултур, айниқса, банкнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ҳамда хорижий кредит линияларини жалб этиш ишлари кескин фаоллашди. Хусусан, барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан мазкур субъектларнинг 6834 та лойиҳаси бўйича 16 миллиард 985 миллион кредит берилди. Ана шу кредитлар ҳисобига эса 11692 та иш ўрни яратилиб, 8 миллиард 667 миллион сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилди. Шу билан бирга, Европа Тикланиш ва тараққиёт банки, Осиё Ривожланиш банки ва Халқаро тикланиш ва тараққиёт банкининг кредит линиялари маблағлари ҳисобидан 12 та лойиҳага ажратилган 10 миллион АҚШ доллари миқдоридаги кредит ҳам ўз самарасини берди.

Йиғилишда «Пахта банк»нинг оддий акциялари бўйича 30 фоиз, имтиёзли акциялари бўйича 60 фоиз йиллик дивиденд тўланиши юзасидан қарор қабул қилинди, молиявий муассасанинг 2004 йилдаги фаолиятининг асосий йўналишлари белгилаб олинди.

**Ўз мухбиримиз.**

# АҚШ конгрессменлари Ўзбекистонда

**Шу йилнинг 4-5 апрель кунлари Конгресс вакиллар палатасининг ташкилий — процессуал қўмитаси раиси Д.Драйэр раҳбарлигидаги АҚШ конгрессменлар ҳайъати Ўзбекистонда бўлди.**

Сафар давомида америкалик конгрессменлар Ўзбекистон ташқи ишлар вазири С.Сафоев билан учрашди. Ҳайъат раҳбари яқинда республикада содир этилган террорчилик хатти-ҳаракатлари муносабати билан Конгресс ва АҚШ халқи номидан Ўзбекистон ҳукумати ва халқига таъзия ва ҳамдардлик билдирди. Учрашувда минтақавий хавфсизлик, икки мамлакат ўртасида савдо-иқтисодий муносабатлар ривожининг истиқболлари муҳокама этилди.

Жўнаб кетиш олдидан ҳайъат аъзолари Тошкент аэропортида маҳаллий ва хорижий журналистлар учун матбуот конференцияси ўтказди. Д.Драйэр Ўзбекистон томони билан муҳокама қилинган масалалар юзасидан ахборот бериб, минтақавий ва глобал хавфсизликни таъминлашда АҚШ ва Ўзбекистон ўртасида мавжуд яхши шериклик муносабатларини алоҳида таъкидлади ҳамда халқаро терроризмга қарши курашда мамлакатимиз кўрсатаётган бебаҳо ёрдам учун чуқур миннатдорлик изҳор қилди.

— Ўзбекистонда бўлган чоғимизда бўлиб ўтган фожеали воқеаларга қарамасдан вазият барқарор эканига, мамлакат раҳбариятининг жамиятни демократлаштириш ва иқтисодиётни эркинлаштиришга қаратилган сиёсати халқ томонидан қўллаб-қувватланаётганига ишончимиз комил бўлди, — деди америкалик конгрессмен.

**"Жаҳон"АА.**

# ҚАБОҲАТ ТУЗОҒИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

си Томас Жефферсон тирилиб келса, у ҳам бошидан шляпасини олиб, бу оташин қаламкаш қаршисида таъзим бажо айлаган бўларди.

Шундай ҳамкасбларимиздан яна бири – шўро даврида "Советская культура", "Комсомольская правда" каби редакцияларнинг остонасини ялаб катта бўлган "ўз мухбиримиз" бугун эркин матбуот вакили сифатида оламга тўхтовсиз жар солмоқда.

"Маҳаллий-хорижий" журналистлар сафида обкомнинг собиқ идеология секретарини ҳам, собиқ депутатларни ҳам, яхши бузоқ бўлиб икки онани – ҳам ўзбек, ҳам ғарб матбуотини эмиб ётган чаққонларни ҳам, ҳали тўрт сатрни қойиллатиб ёзишга улгурмасдан, лекин хорижий ахборот воситаларига ҳамкор бўлиб олишга улгурган матбуотимизнинг ёш паҳлавонларини ҳам кўриш мумкин.

Табиийки, уларнинг феъл-атвори, ижодий услуби ҳар хил, лекин барчасига хос муштарак бир жиҳат ҳам бор: улар ўзини демократик матбуотнинг пири комили, ягона қозиси деб билади, эркин матбуотнинг назарияси ва амалиётидан бўш вақтларида эса ҳар турли гўзаллар конкурсларига ҳакамлик қилиб, энтикиб завқ олишга ҳам фурсат топади.

Улар, эҳтимол, ўзларининг коммунистик ўтмиши бошқаларнинг ҳам эсидан чиқиб кетган деб ўйлашар. Ҳар қалай, хомтама бўлмаган маъқулмикан. Коммунистларнинг, ҳеч ким ва ҳеч нарса унутилмайди, деган шиори бежиз айтилмагандир.

Совет матбуотининг "шонли" анъаналари руҳида тарбия топган, узоқ йиллар давомида сохта ғояларни одамлар онгига тиқиштириш бўйича пойга ўйнаган бундай қаламкашларни бугун ўзига дастёр қилиб олган, уларнинг "ижод маҳсуллари"ни дунё бўйлаб тарқатаётган чет эл ахборот воситаларига, ғарб мамлакатларидаги бечора солиқ тўловчиларнинг пулига баъзан беихтиёр ачиниб кетасан ҳам киши. Ким билади, эҳтимол, бунда бизнинг ақлимиз етмайдиган қандайдир сир-синоат бордир. Балки, така бўлса ҳам сут бериши керакдир.

Баъзи шарҳловчи ва таҳлилчиларнинг "тахминларга кўра...", "эшитишимизга қараганда...", "ўзини таништиришни истамаган бир кимсанинг бизга айтишича...", "тасдиқланмаган манбалардан маълум бўлишича..." деб бошланувчи хабарларини ўқиганда ёки эшитганда, хаёлга бир фикр келади – терроризм балосининг ер юзига вабодай ёйилишида мана шундай мухбирлар тарқатаётган ёлғон уйдирмаларнинг ҳам ҳиссаси йўқмикин?

Мана бу мисолларга эътибор беринг. "Коммерсант" газетаси мухбирлари Д.Глумсков ва Б.Волхонскийларнинг ёзишича, тошкентлик милиционерларга барча соқолли кишиларни ҳибсга олиш тўғрисида буйруқ берилган эмиш. Антуан исмли швейцариялик сайёҳ велосипедчини шаҳар кўчаларида 7-8 марта тўхтатишган эмиш. Владимир Конев ("Известия.RU")га кўра, Тошкент ва унинг атрофларида автобус ва электричкалар бутунлай қатнамаётган эмиш. Бошқа бир мухбир эса террорчиларни "Одамкушлар мактабининг аълочилари" деб атайди.

"Озодлик" радиоси 28-30 март воқеаларини шарҳлар экан, "Қувган ҳам, қочган ҳам худо дейди", дея ўртага худони қўяди ва террорчилар ҳамда уларга қарши жанговар операцияларни амалга ошираётган ички ишлар ходимларини "ўзаро курашаётган томонлар" деб белгилайди.

## «Учар гилам» ҳам ожиз...

Бир ерда жизиллаб кабоб пишаётган бўлса, "Фалон жойдан бурқсираб тутун чиқмоқда, демакки, ёнғин содир бўлган..." дея орқа-ўнгига қарамай атрофга жар соладиган бундай мухбирларни ҳам тушуниш мумкин. Ахир, уларда ҳам бола-чақа бор, нафс ташвиши бор, қорин қурғурни тўйғазиш керак.

Шунинг учун улар фавқулодда шиддат билан ишлайди. Тиним билишмайди. Энг қизиғи ва сирлиси шундаки, худди "учар гилам"да парвоз қилгандай, эрталаб мамлакатнинг у чеккасида, бир оздан кейин бу чеккасида ҳозиру нозир бўлади. "Воқеа содир бўлган жойдан шахсан" репортаж олиб боради. Аммо, уларнинг бу қадар учқур парвозларига баъзан ўша сирли гилам ҳам ёрдам бера олмай қолади. Натижада оқни – қора, қорани – оқ қилиб кўрсатадиган миш-мишлар урчийди. Географияда "кашфиёт" қилиб, жой номларини чалкаштириб, сохта хабарларга беш йил бурунги лавҳаларни илова қилишади. Бир соат олдин тарқатган хабарлари, улардаги маълумот ва рақамларнинг ёлғонлиги очилганида ҳам парвойи фалак, қизармай-бўзармай тураверишади. На ҳижолат чекиш, на узр сўраш бор.

Эҳтимол, бундай ёндашув гўзаллик конкурси ёки шоу-томошадан олиб берилаётган репортажларда рўй берса, буни кечириш мумкиндир. Аммо гап тиш-тирноғигача қуролланган, ёвузликни касб қилиб олган террорчи тўдалар ҳақида, минглаб одамларнинг ҳаёти хавф остида турган бир вазият ҳақида бўлса-чи? Бундай қалтис, таҳликали шароитда турли чалкашлик ва тахминларга, айниқса, бўҳтон ва уйдирмаларга йўл қўйиб бўладими? Террорчиларнинг тегирмонига сув қуядиган бу каби ҳолатларни қандай баҳолаш керак?

Шу кунларда бу шўрлик қулоқларимиз ғаламислар уюштирган кўча миш-мишларидан ташқари, яқин-узоқ хориждан эфир ва матбуот орқали тарқатилган қандай овоза ва шов-шувларни эшитмади!

Гўёки Чорвоқ сув омборига ҳужум уюштирилиб, Тошкент сув остида қолган эмиш; гўёки, бир кунда 30 мингта машинада аҳоли пойтахтни тарк этган эмиш; гўёки, республиканинг айрим шаҳарларида фавқулодда ҳолат жорий этилган эмиш...

"Чэлленжер" космик кемасининг ҳалокати ҳақидаги машҳур латифани эслайсизми? Ўшанда бутун дунё мамлакатларидан АҚШ маъмуриятига ҳамдардлик телеграммалари йўлланган. Москвадан жўнатилган телеграмма эса Америкага кема ҳалокатидан... 10 дақиқа аввал етиб борган экан...

Хорижий ҳамкасбларимиз, масалан, НТВ телеканалининг мазкур террорчилик ҳаракатлари ҳақидаги баъзи хабарларини эшитганда, мана шу латифани эсламаслик сира мумкин эмас.

## Кимга нима керак?

Аслида, Ўзбекистон ҳаётига, юртимизда рўй бераётган воқеаларга нисбатан баъзи чет эл оммавий ахборот воситаларининг бундай ёндашуви биз учун янгилик эмас. Истиқлол арафасида, мустақиллик йилларида Ўзбекистонга, халқимиз, миллатимиз шаънига қанчадан-қанча туҳмат, иғво ва маломат тошлари отилмади, дейсиз. Фарғона, Ўш, Паркент воқеалари, кейинги йилларда содир этилган террорчи газандаларнинг юртимизга хуружлари ҳақида не-не бўҳтонлар ёғдирилмади.

Ана шундай асоссиз уйдирмаларни жаҳон бўйлаб тарқатиб, информацион қўпорувчиликни амалга оширганлар ва бу ишни бугун ҳам тап тортмай давом эттираётганлар ўз хабарларининг ёлғонлиги фош бўлганида, айтинг, лоақал бирор марта ўз ўқувчиларидан кечирим сўрадими? Бутун бир мамлакат, бутун бир халқ ҳаётига таҳдид солиб, вазиятни беқарорлаштириши мумкин бўлган сохта маълумотларни тарқатган мухбирларга нисбатан уларнинг хўжайинлари томонидан бирон-бир чора кўрилганини биров эслайдими?

Бундан чиқадиган хулоса битта: демакки, мақсад – холис ва ҳаққоний ахборот тарқатиш эмас экан. Мақсад бутунлай бошқа – тинч аҳоли ўртасида ваҳима ва саросима уйғотиш, вазиятни издан чиқариш. Бунинг нималиги ва қандай оқибатларга олиб келиши мумкинлигини, ўйлаймизки, зукко ўқувчи яхши англайди.

Ўз-ўзидан равшанки, биз мамлакатимиз ҳаётини ёритаётган барча хорижий журналистларнинг фаолиятини салбий баҳоламоқчи эмасмиз. Бор гапни борлигича айтишга, одамларни воқеа-ҳодисалар моҳиятидан тўғри хабардор қилишга интиладиган, ўз мавқеига номуносиб миш-мишлардан, "қора пиар"дан, террорчилар қўлида қурол бўлишдан ҳазар қиладиган чет эллик ҳамкасбларимиз ҳам кўп ва уларнинг фаолиятидан жамоатчилигимиз яхши хабардор.

Уларнинг аксарияти, "Нью-Йоркдаги Бутунжаҳон савдо марказида, Моздок ва Кисловодскдаги электричкаларда, Москвадаги турар жойлар ва метрода, Тошкентдаги "Болалар дунёси" магазинида содир этилган портлашларнинг барчаси экстремистик исломий гуруҳларни бирлаштирадиган ягона террорчилик марказининг иши", деб вазиятга ҳаққоний баҳо бермоқда (В.Никонов).

Бугунги глобаллашув замонида, дунё халқлари ҳаётидаги энг долзарб муаммолар бир халқ, бир миллат эмас, бутун инсониятга дахлдор бўлиб турган бир пайтда оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва аҳамияти, айни пайтда масъулияти ортиб бораётганига барчамиз гувоҳ бўлмоқдамиз.

Аммо журналист халқи орасида сохта обрў, мўмай даромад ортидан қувиб, ўзининг профессионал бурчини унутиб қўяётганлар ҳам, минг афсуски, учраб турибди. Улар учун ҳақиқат эмас, балки бир жойда биров кутилмаганда йўталиб юборса ёхуд ножоиз овоз чиқариб қўйса – мана шу муҳим.

Мана шундай ҳолатларга дуч келганда, XX асрда яшаб ўтган бир машҳур ёзувчининг маданият намояндаларига қарата берган саволини эслатиб, сиз ким томондасиз, муҳтарам журналистлар, деб хитоб қилгинг келади.

## Жабрдийда ким?

Мамлакатимизда содир этилган террорчилик хуружлари наинки халқимиз, балки бу бало-қазодан жабр кўрган, унинг мудҳиш хатарини англайдиган жаҳон жамоатчилиги томонидан ҳам кескин қораланмоқда. Тергов органлари ўзини ўзи ўлимга маҳкум этиб, ўнлаб бегуноҳ юртдошларимиз ҳаётига қасд қилган разил кимсаларнинг шахсини, бу қўпорувчилик ҳаракатларининг илдизларини, уларнинг ташкилотчи ва ҳомийларини аниқламоқда.

Тўпланган далилий ашёлар амалга оширилган жиноий хатти-ҳаракатлар узоқ муддат давомида тажрибали жангарилар, хориждаги террористик марказлар томонидан пухта тайёрланиб, бошқариб турилганидан далолат бермоқда. Албатта, тез кунларда барча жиноятчиларнинг ниқоблари йиртилиб, уларнинг манфур башараси ошкор бўлади. Бунга асло шубҳа йўқ. Аммо...

Ҳали тергов тугамасдан, суриштирув ишлари ниҳоясига етмасдан ва ҳеч кимга айб эълон қилинмай туриб, ўзини "инсон ҳуқуқлари ҳимоячиси" деб атайдиган айрим халқаро ташкилотлар вакиллари томонидан, қўлга олинганларга раҳм-шафқат қилинглар, уларга нисбатан инсоний муносабатда бўлингларки, иложи бўлса, бошидан бир тола сочи ҳам тўкилмасин, деган талаблар қўйилмоқда, осмонга қараб фол очилмоқда.

"Бизнинг тахминимизга кўра, йигитлар (қўлга олинган террорчилар - ред.) қийноққа солиняпти", дейди ана шундай ҳимоячилардан бири Толиб Ёқубов.

Бундай даъволарни эшитганда, беихтиёр ё, алҳазар, деб юборгинг келади. Одамни ҳайратга соладиган томони шундаки, бундай "ҳимоячи"лар машъум воқеаларда қурбон бўлган бегуноҳ инсонлар, уларнинг оила аъзолари ҳақида, ота-онасидан жудо бўлган норасида гўдаклар ҳақида қайғураётгани йўқ. Улар шу юртда яшаётган барча одамларнинг, жумладан, мана шу "инсон ҳуқуқлари ҳимоячилари"нинг ҳам, сохтакор журналистларнинг ҳам ҳаёти, тинчлиги ва осойишталиги йўлида кўксини қалқон қилиб ҳалок бўлган милиция ходимларини, тунларни тонгларга улаб бедор турган ҳуқуқ-тартибот посбонларини, маҳалла жамоатчилигини ўйлаётгани йўқ. Аксинча, уларни ўз халқига, ўз Ватанига, ота-онасига қўл кўтарган муртадлар кўпроқ қизиқтирмоқда.

Савол туғилади: инсонийлик қиёфасини йўқотган ёвуз газандалар одам-у, машъум офатнинг йўлини тўсиш учун жон фидо қилаётганлар одам эмасми? Фарзандини минг машаққат билан вояга етказиб, эл-юрт хизматига берган, бугун уни фарёд билан тупроққа топширган бағри қон ота, муштипар она одам эмасми? Нима, уларнинг ҳуқуқлари, ҳақлари йўқми?

Шу ўринда бир ҳолатга диққатингизни қаратмоқчи эдик. Террорчилар Тошкентда биринчи портлашни қаерда амалга оширди? "Болалар дунёси" магазинида.

Агар чуқурроқ эътибор берадиган бўлсак, қабиҳ режа учун айнан шу жойнинг танлангани бежиз эмас. Бу портлаш одамхўр газандаларнинг, аввало, бегуноҳ болалар дунёсини мўлжалга олганидан дарак бермайдими? Бу ёвуз хуруж аслида сизу бизнинг, барчамизнинг азиз фарзандларимиз жонига қасд қилиш эмасми?

***

**Бу дунёда ҳамма нарса бор, фақатгина текин пул йўқ. Ҳеч ким ҳеч қаерда біровга бир цент ёки бир тангани бекорга бермайди. Кимдир ногаҳонда сизга пул ваъда қиляптими, демакки, тагида шарти бор, шаъмаси бор. Бундоқ десанг, бунча берамиз, мана бундоқ қилсанг, бунча оласан, деган гаплар бугун ҳеч кимга сир эмас.**

**Лекин, оғзинг бир марта мойландими, экстремизм, терроризм тузоғига бир илиндингми, бас, бу қабоҳат тўридан осонликча қутула олмайсан. Сен уларнинг қўлида бамисоли қўғирчоққа айланасан. Керак пайтда ўйнатишади, керак пайтда сайратишади, керак пайтда эса – бомба қилиб портлатишади.**

**Бу дунёда кўп нарсани кечириш мумкин. Хом сут эмган банда адашиши, хато қилиши мумкин. Лекин бир нарсани ҳеч қачон кечириб бўлмайди. Унинг номини – сотқинлик дейдилар, унинг номини хиёнат дейдилар. Сотқинлик ва хиёнат йўли эса ҳамма замонларда ҳам жаҳаннамга элтиши муқаррар.**

**Бас, шундай экан, кўзингни оч, биродар, атрофингга сергак назар сол. Эл бошига тушган бу машъум балодан огоҳ бўл, турли миш-мишларга, информацион қутқуларга учма! Ўз уйингни, ўз фарзандингни, ўз иймонингни ўзинг асра!**

**Тинчликда яшай десанг – тинчлик учун кураш, ватандош!**

**А. АҲМЕДОВ.**

*Таҳририятимизда шу масалага бағишланган «Давра суҳбати» бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири Оқилжон Обидов, адлия вазири Абдусамад Полвон-зода, молия вазири Мамаризо Нурмуродов иштирок этган бу тадбирни «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари бош муҳаррири Аббосхон Усмонов олиб борди.*

*Таъкидландики, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов қайд этганидек, «бошқарув тизимини ислоҳ қилиш зарурати аллақачон пишиб етилган ва бу ишни кечиктирмай амалга ошириш керак». Ушбу масалани ҳал этмасдан туриб, чуқур иқтисодий ўзгаришларни ҳаётга татбиқ этиш мумкин эмас. Чунки мамлакатимизда иқтисодиётни янада эркинлаштириш бу соҳани ва унинг тармоқларини бошқариш тизимини сифат жиҳатидан замонавийлаштиришни тақозо қилмоқда. Бу жараён изчил давом этмоқда: республика давлат ва хўжалик бошқаруви органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида фармонлар ва қарорлар қабул қилинди. Таъбир жоиз бўлса, ана шу ҳужжатлар маъмурий тизимдаги ислоҳотларнинг янги босқичини бошлаб берди.*

**Давра суҳбати**

# Маъмурий ислоҳот:

# МАҚСАДИ, МАЪНО-МАЗМУНИ, АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

**А. УСМОНОВ:** — *Шу ўринда табиий савол туғилади: маъмурий ислоҳотнинг мақсади, маъно-мазмуни, асосий йўналишлари нималардан иборат? Нима учун бугунги кунда уни амалга оширишнинг зарурати бор?*

***О. ОБИДОВ:*** — Гапни, аввало, иккинчи саволга жавоб беришдан бошласак. Маъмурий ислоҳотни амалга ошириш зарурияти, айниқса, қуйидаги ҳолларда аниқ-тиниқ кўринади:

биринчидан, бир қисми собиқ тоталитар марказлашган тизим давридан мерос бўлиб қолган бошқаришнинг маъмурий усуллари бозор механизмларининг самарали ишлашига жиддий равишда халақит бермоқда. Ресурсларни марказлашган тарзда тақсимлаш, корхоналарнинг хўжалик фаолиятига давлатнинг асоссиз аралашуви амалиёти бозор механизмларининг мақбул даражада фаолият кўрсатишига, демакки, мавжуд ресурсларнинг самарали тақсимоти ва улардан фойдаланишга тўсқинлик қилади;

иккинчидан, маъмурий-буйруқбозлик усулларидан меъёридан зиёд фойдаланиш хусусий тадбиркорликнинг ривожланишини сусайтиради, рақобат муҳитининг тараққиётига тўсқинлик қилади, миллий бизнеснинг аслида кераксиз харажатларини кўпайтириб юборади. Оқибатда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг рақобатбардошлиги заифлашиб, хуфия (яширин) иқтисодиёт урчишига замин яратилади;

учинчидан, маъмурий ислоҳот давлат бошқаруви самарадорлигини ошириш учун зарур. Бунга давлат идораларининг таркиби ва функцияларини оптималлаштириш, тегишли қарорларни қабул қилиш ва амалга ошириш механизмларини такомиллаштириш, бозор муносабатлари субъектлари томонидан қонунчиликка риоя қилиниши устидан таъсирчан назорат механизмини яратиш, давлат органлари амал қилиш механизмини яхшилаш ҳисобига эришилади.

Ана шу айтиб ўтилган омиллар нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак, маъмурий ислоҳот кеча бошлангани йўқ. Сўнгги йиллар давомида бозор муносабатларини ривожлантириш учун зарур шароитлар тадрижий равишда, босқичма-босқич яратилмоқда — ресурсларни тақсимлашнинг бозор инфратузилмаси шакллантирилди, ҳукумат қарорлари билан давлат назорат органларининг функциялари қатъий чекланмоқда, давлат статистика ҳисоботининг ҳажмлари кескин камайтирилди, асосийси, йирик давлат корхоналарини хусусий мулк қилиб бериш, акционерлик жамиятларини ривожлантириш, қўшма корхоналар ташкил қилишни ўз ичига олган хусусийлаштириш жараёни амалга оширилди, қишлоқ хўжалигида эса жиддий таркибий ўзгаришлар рўёбга чиқарилди.

**А. УСМОНОВ:** — *Кўриниб турибдики, давлат ва хўжалик бошқаруви соҳасида маъмурий ислоҳотнинг амалга оширилиши учун зарур бўлган замин ва барча шароитлар шакллантирилган. Бироқ иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида давлат аппарати хўжалик субъектларини «ўз шафелиги»да сақловчи идорадан мустақил ривожланиш катализаторига айланиши лозим. Янги шароитда давлатнинг асосий роли ва вазифаси бозор иқтисодиётининг ривожланишини таъминловчи самарали қоидаларни яратиш ва қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва рақобат муҳитини тараққий эттириш учун зарур шароитларни таъминлашдан иборат бўлиши керак.*

***О. ОБИДОВ:*** — Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонларида давлат ва хўжалик бошқарувининг асосий вазифалари ва функциялари аниқ белгилаб берилди.

Давлат бошқаруви соҳасида улар жумласига қуйидагилар киради:

— давлат ички ва ташқи сиёсатини амалга ошириш, мамлакатнинг ташқи ва ички хавфсизлигини таъминлаш;

— Ўзбекистон Республикаси қонунларини амалга оширишни таъминлаш ва унинг бажарилиши устидан таъсирчан назоратни йўлга қўйиш;

— давлатнинг макроиқтисодий ривожланиши стратегик йўналишларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, давлатнинг мақсадли дастурларини ишлаб чиқиш ва ташкил этиш;

— тадбиркорлик ва хусусий бизнес фаолиятининг янада ривожланишини таъминлаш;

— ижтимоий соҳаларнинг амал қилиши ва янада ривожланишини таъминлаш;

— солиқларни, божхона тўловларини ўз вақтида ва тўла йиғиш орқали давлатнинг бюджет сиёсатини амалга ошириш ва давлат маблағларини тақсимлаш;

— табиий ресурслардан оқилона фойдаланишга эришиш.

Хўжалик бошқаруви соҳасида эса қуйидаги вазифалар амалга оширилади:

— иқтисодиёт ва унинг тармоқлари барқарор ривожланишининг истиқболдаги стратегиясини белгилаш;

— рақобатбардош маҳсулотларнинг янги турларини ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга, уларнинг жаҳон бозорларига чиқишига кўмаклашиш;

— ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва техник жиҳатдан қайта қуроллантиришга, шу мақсадларда хорижий инвестицияларни жалб қилишга ёрдам кўрсатиш;

— ахборот хизматлари кўрсатиш, кадрлар тайёрлашни ташкил қилиш.

Бозор ислоҳотларининг ҳозирги босқичида давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг фаолияти айнан шу вазифаларнинг бажарилишига йўналтирилиши лозим.

**А. УСМОНОВ:** — *Энди маъмурий ислоҳотни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишларига тўхталиб ўтсак.*

***О. ОБИДОВ:*** — Ўртага қўйилган вазифаларни ҳал этиш ҳар томонлама пухта ўйланган ёндашувни талаб қилади. Хорижий тажриба кўрсатганидек, давлат ва иқтисодиётни бошқариш тизимини ўзгартириш бўйича тадбирларни амалга оширишда йўл қўйилган хатолар кутилган натижаларнинг аксини бериши мумкин. Яъни бошқарувнинг йўқолишига, бошқарув аппаратининг турли ёрдамчи бўлинмалар билан ўсиб боришига, иқтисодиётда яккаҳокимликнинг кучайишига, ортиқча ва кераксиз сарф-харажатларга олиб келиши мумкин.

Пухта ўйланган қарор ва тадбирларни тайёрлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармойишига биноан, Бошқарув тизимини ислоҳ қилишни чуқурлаштириш ва иқтисодиётнинг бошқарув тузилмасини такомиллаштиришга доир таклифларни тайёрлаш бўйича республика комиссияси ташкил этилган эди. Ушбу комиссия бошқаришнинг амалдаги тизимини таҳлил этиш асосида маъмурий ислоҳотни чуқурлаштиришга йўналтирилган қуйидаги тадбирларни ишлаб чиқди:

1) бошқарувга оид вазифаларнинг вазирликлар, идоралар ва давлат ташкилотлари томонидан такрорланишига барҳам бериш, хўжалик юритувчи субъектларни бошқариш ва ресурсларни тақсимлаш функцияларини бартараф қилиш йўли билан давлат ва хўжалик бошқаруви тузилмаларини оптималлаштириш. Шу мақсадлардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонига мувофиқ, мамлакатимизда иқтисодиёт ва унинг тармоқларини бошқаришнинг стратегик масалаларини ишлаб чиқиш функцияларини бажарувчи 13 та вазирлик, 11 та Давлат қўмитаси ва 9 та агентлик сақланиб қолди. Масалан, Ер ресурслари давлат қўмитаси ва Геодезия, картография ва давлат кадастри Бош бошқармаси негизида ер ресурсларидан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган барча масалаларни тартибга солувчи ягона Давлат қўмитаси ташкил қилинди. Шунингдек, илгари машинасозлик, қоғоз саноати, балиқчилик ва паррандачилик корхоналари устидан давлат бошқаруви функцияларини бажарган хўжалик ассоциациялари, бирлашмалари ва компаниялар ҳамда ипакчилик саноатида бозор талабларига жавоб бермайдиган ва функцияларини такрорловчи бошқарув тузилмалари тугатилди.

Бундан ташқари, хўжалик бошқаруви органлари ташкилий-ҳуқуқий шакллари тартибга келтирилди. Концернлар, корпорациялар, холдинглар каби хўжаликлар фаолиятининг мазмуни ва хусусиятлари бўйича бир-биридан ажратиб бўлмайдиган бирлашмалар ўрнига акционерлик компаниялари ва ассоциацияларини қолдиришга қарор қилинди. Уларнинг таркибига кирувчи корхоналарни бошқариш шакли ва хусусиятлари аниқ белгилаб берилди.

2) давлат ва хўжалик бошқарувининг амалдаги органларининг тузилмалари, вазифалари ва низомларини қайта кўриб чиқиш. Комиссия томонидан ҳар бир вазирлик ва идоранинг тузилмавий таркиби ва функциялари уларни оптималлаштириш, корхоналар фаолиятига асоссиз аралашувга йўл қўймаслик, хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятини ноқонуний назорат қилишга барҳам бериш нуқтаи назаридан кўриб чиқилди. Давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг у ёки бу бошқарув функцияси ёки ваколатини қолдиришнинг асосий мезони сифатида муайян функциянинг ёки ваколатнинг иқтисодиёт ва унинг тармоқларида бозор механизмларини ривожлантиришга кўмаклашиши танланди. Бунга Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги фаолиятини қайта ташкил қилиш тажрибасини мисол сифатида келтириш мумкин.

Гап шундаки, ушбу вазирликнинг фаолияти тармоқ ривожланишининг стратегик йўналишларини ишлаб чиқишга, янги иқтисодий муносабатларни шакллантиришга, илғор технологияларни жорий қилишга кўмаклашишга йўналтирилди. Илгари у моддий ресурсларни тақсимлаш, шунингдек, режа-топшириқларни белгилаш ва хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини назорат қилиш билан шуғулланар эди.

3) республика даражасидаги ваколатларнинг бир қисмини маҳаллий бошқарув идораларига ўтказиш. Бу жараён ўтган асрнинг 90-йиллари ўрталаридан бошлаб кам таъминланган оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича давлат вазифаларининг маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларига ўтказилиши билан бошланган эди. Бугун у янги, сифат жиҳатидан ривожланиш босқичига ўтди — маҳаллий органларга янги ваколатлар берилди. Уларнинг зиммасига ўз ҳудудларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, меҳнат бозоридаги вазиятни тартибга солиш, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий муҳофаза қилиш, таълим, соғлиқни сақлаш, хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш масъулияти юкланди.

Қабул қилинган қонунларга асосан, маҳаллий органлар бу вазифаларни бажариш учун зарур ресурслар билан таъминланади.

4) бошқарув ходимлари сонини оптималлаштириш. Ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, агар бошқарув тузилмалари муайян меъёрлар асосида тартибга солинмаса, улар кенгайиш, миқдор жиҳатидан катталашиш ва янгидан-янги ходимлар ва қўшимча тузилмалар ҳисобига кўпайиш хусусиятига эга. Одатда бошқарув ходимлари сонининг кўпайиши бошқариш сифатининг ошишига олиб келмасдан, балки бошқарув органининг бевосита ўз функциялари билан ўз-ўзини таъминлаш ва сақлаш, ўз позицияларини тузилма бошқарувининг асоссиз кенгайиши эвазига мустаҳкамлашга олиб келади. Натижада бошқарув идораси ўзи учун ишлаш йўлига ўтиб олади, ўзи учун янгидан-янги керакли-кераксиз, биринчи галда назорат ва тақсимот билан боғлиқ вазифаларни ўйлаб топади.

**А. УСМОНОВ:** — *Айни чоғда мамлакат мудофааси ва хавфсизлиги, жиноятчиликка қарши кураш ва жамоат тартибини сақлаш масалалари бўйича давлат, шубҳасиз, барча зарур ваколатларга эга бўлиши лозим. Шу билан бирга, ижтимоий масалалар, жумладан, тиббиёт, таълим, ижтимоий таъминот ҳамда экологик муаммолар ҳам давлатнинг фаолиятига тааллуқлидир. Бу маънода, принципиал баҳс ва эътирозларга ўрин йўқ.*

*Бироқ давлатнинг мамлакат иқтисодиётида тутган ўрни ва вазифаси доимий баҳсларга сабаб бўладиган энг долзарб муаммолардан саналади.*

***А. ПОЛВОН-ЗОДА:*** — Хўжалик юритувчи субъектлар ҳамда бизнес вакиллари билан давлат ҳокимияти органларининг барча бўғинлари ўртасидаги ўзаро муносабатлар ана шу муаммонинг марказида турган масаладир.

Тадбиркорлик фаолиятини янада эркинлаштириш, тадбиркорларнинг фойда олиш мақсадида таваккалчилик ва ўз манфаатларига асосланиб фаолият юритишига шарт-шароит яратиш, пировард натижада иқтисодий юксалишга ҳамда аҳолининг бандлигини таъминлашга эришишни назарда тутган ҳолда ушбу мураккаб муаммога мамлакатимиз раҳбарияти ҳамиша жиддий эътибор қаратиб келмоқда.

Қонун ҳужжатларини қабул қилиш орқали тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича жиддий ва самарали тадбирлар амалга оширилиши натижасида тадбиркорларга қулай шароитлар яратилмоқда. Буни, аввалambор, Фуқаролик кодекси, «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида» ва «Хусусий корхоналар тўғрисида»ги қонунлар ҳамда хўжалик фаолиятига аралашишлар ва текширишлар сонини чекловчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қабул қилинишида, Адлия вазирлиги идораларига тадбиркорлик субъектлари ҳамда хорижий инвесторларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш бўйича ваколатлар юклатилишида кўришимиз мумкин.

Бу каби чора-тадбирлар, табиийки, ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишда хусусий сектор улушининг ўсишига олиб келди.

**А. УСМОНОВ:** — *Маъмурий ислоҳотларни амалга ошириш жараёнида хўжалик бирлашмалари томонидан ресурсларни тақсимлаш тизимини бекор қилиш ҳам тугатилмоқда.*

***А. ПОЛВОН-ЗОДА:*** — Бу Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 5 февралдаги «Маҳсулотлар, хомашё ва материалларнинг юқори ликвиди турларини сотишнинг бозор механизмларини жорий этишни давом эттириш тўғрисида»ги 57-сонли қарори талаблари изчил ижро этилаётганининг натижасидир. Маълумки, ушбу қарорда маҳсулотларни сотишнинг бозор принциплари ва механизмини кенг жорий этиш, марказлаштирилган тақсимлаш тизимини тугатиш, барча хўжалик юритувчи субъектларга моддий-техника ресурслари олиши учун тенг шарт-шароит яратиш белгиланган эди. Ўтган давр мобайнида ана шу кўрсатмалар асосида айрим турдаги маҳсулотларни республика истеъмолчилари ўртасида тақсимлаш лимитлари бекор қилинди, баъзи стратегик моддий-техника ресурсларини асосан биржа ва «Кимошди» савдолари орқали, шунингдек, тўғридан-тўғри шартномалар бўйича сотишнинг махсус тартиби ўрнатилди.

**А. УСМОНОВ:** — *Давлат ролини кескин қисқартиш, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига давлат тузилмаларининг асоссиз аралашувига чек қўйиш масалалари ҳам маъмурий ислоҳотнинг бош мақсадларидан биридир.*

***А. ПОЛВОН-ЗОДА:*** — Адлия вазирлигининг тадбиркорликни ҳуқуқий ҳимоя қилиш юзасидан жойларда ўтказган ўрганишлари шундан далолат берадики, бундай аралашувлар, аввалambор, назорат қилувчи идоралар фаолиятида юз бермоқда. Ушбу идоралар томонидан ўтказилган текширишлар уларнинг натижаларига нисбатан анча кўп йўқотишларга сабаб бўлмоқда. Тамагирлик ва порахўрлик билан бир қаторда қўлланилаётган жарималар тадбиркорлар елкасига оғир юк бўлиб тушиб, уларни қийнаб қўймоқда.

Буларнинг ҳаммаси назорат ва тартибга солиш вазифаларини амалга оширувчи турли давлат идоралари ва уларнинг мансабдор шахслари фаолиятини баҳолаш мезонларини тубдан қайта кўриб чиқишни талаб қилаётир. Бу масалада асосий белгиловчи мезон аниқланган ҳуқуқбузарликлар ва қўлланилган жазо чоралари сони эмас, балки тадбиркорликни ривожлантиришга ёрдам кўрсатиш ҳамда хорижий инвестицияларни жалб қилишни рағбатлантириш нечоғли самарали амалга оширилаётганлиги (нечта тадбиркорга аниқ ёрдам берилганлиги, нечта корхона ва иш жойи ташкил этилганлиги ва ҳоказо), моддий ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш қай даражада ўсганлиги ҳамда тегишли тармоқ ёки ҳудудда иқтисодий соғлом муҳитдан далолат берувчи кўрсаткичлар бўлмоғи лозим.

**А. УСМОНОВ:** — *Президентимизнинг 2003 йил 9 декабрдаги «Республика давлат бошқаруви органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги ҳамда 2003 йил 22 декабрдаги «Хўжалик бошқарув органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги фармонларида маъмурий ислоҳотларни суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг концептуал қоидаларига мувофиқлаштириш зарурлиги қайд этилди.*

***А. ПОЛВОН-ЗОДА:*** — Шуни айтиш кераки, ҳозирга қадар айрим назорат қилувчи идораларга турли ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш, жумладан, катта миқдордаги жарималар солиш, фаолиятни тўхтатиб қўйиш ва тугатиш, банклардаги ҳисоб рақамлари бўйича операцияларни тўхтатиб қўйиш, розиликсиз пул маблағларини ундириб олиш, ҳуқуқбузарлик предметларини мусодара қилиш, алоҳида фаолият турларига лицензиялар (рухсатномалар)нинг амал қилишини тўхтатиш ва бекор қилиш орқали хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятини чеклаш ҳуқуқи берилган эди. Назорат қилувчи идораларнинг бу ҳуқуқлари амалда хусусий мулкнинг дахлсизлигини кафолатлаш ҳамда уни маҳрум қилиш ёки чегаралаш фақат суд тартибида амалга оширилишини назарда тутувчи конституциявий тамойилларга мувофиқ келмайди. Бундан ташқари, назорат қилувчи идоралар томонидан жазо чораларини қўллаш пайтида аксарият ҳолларда субъектив ва идоравий ёндашув устунлик қилиб, содир этилган ҳуқуқбузарликнинг мавжуд ҳолатларига лозим даражада эътибор қаратилмайди. Назорат қилувчи ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимлари фаолиятига аниқланган камчиликлар сони ва қўлланган жазонинг қаттиқлигидан келиб чиқиб баҳо берилиши эса, адолатсиз, айрим ҳолларда асоссиз равишда тадбиркорнинг фаолиятини тўхтаб қолиши олиб келадиган даражада қаттиқ жазолар қўлланилишига сабаб бўлмоқда.

Шундан келиб чиқиб, юқорида кўрсатилган жиддий жазо чораларини қўллаш вазифасини судларга бериш орқали тадбиркорликни ҳимоя қилишда судларнинг ўрнини янада кучайтириш — маъмурий ислоҳотнинг пировард натижаларидан бири бўлмоғи зарур.

**А.УСМОНОВ:** — *Таъкидлаганингиздек, маъмурий-бошқарув ходимлари ва мутахассислари сони уларга юклатилган мақсад ва вазифаларнинг мураккаблик даражасига мос равишда белгиланади. Ҳозирги вақтга келиб, шу ходимларнинг сони қандай ўзгармоқда ва бу ўзгаришларнинг миқёси қандай?*

***М. НУРМУРОДОВ:*** — Сизнинг саволингизга жавоб беришдан аввал шуни алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиманки, маъмурий ислоҳотларнинг мақсади ходимлар сонини расман қисқартириш эмас, балки бутун бошқарув тизимини сифат жиҳатидан тубдан ўзгартиришдир. Бошқарув тизимидаги ўзгаришлар хўжалик бошқарувида давлат иштирокини камайтиришда ўз аксини топмоқда. Давлат бошқарув органларида фақатгина давлат аҳамиятига эга бўлган стратегик масалалар бўйича давлатнинг ажралмас функциялари сақлаб қолинади.

Бошқарув аппарати ходимлари сонининг қисқартирилиши давлат бошқарув органларининг ўзига хос бўлмаган функциялардан воз кечаётганининг натижасидир. Аниқроғи, ҳукуматимиз томонидан ўтказилаётган давлат ва хўжалик бошқаруви органларидаги бошқарув функциялари ва вазифаларини оптималлаштириш борасидаги маъмурий ислоҳотлар 2004 йилда бошқарув ходимларининг умумий сони қарийб 40 минг кишига камайтирилишига имкон яратди. Ушбу қадам ҳар йили бошқарув органларига сарфланаётган маблағлардан 40,5 миллиард сўмни тежаш имконини беради. Зикр этилган 40 мингга яқин ходимдан 7,5 минг нафари давлат бюджети томонидан молиялаштириладиган ташкилот ва муассасаларга тўғри келмоқда. Бундан ташқари, 5 та шаҳарда саккизта шаҳар ичи туманлари тугатилиб, бюджет ҳисобидан молиялаштирилаётган ҳудудий бошқарув органлар ходимлари сони 500 тага қисқартирилди. Шундан 331 таси раҳбар ходим бўлиб, иқтисод қилинган маблағлар ҳажми 312,0 миллион сўмни ташкил қилди.

Юқорида келтирилган кўрсаткичларнинг миқёсини тушуниш учун, келинг, уни бошқа давлатларнинг ана шундай кўрсаткичлари билан қиёслаб кўрайлик. Давлат ва хўжалик бошқаруви органларидаги бошқарув ходимлари сони камайтирилиши муносабати билан мамлакатимизда шу кунга келиб, бошқарув ходимларининг сони аҳолининг ҳар 1000 кишисига 6,1 кишини ёки иш билан банд бўлган аҳолининг 1,6 фоизини ташкил этмоқда. Бу кўрсаткич МДҲнинг бошқа давлатларига нисбатан анча кам. Солиштириш учун айтиш мумкинки, Қозоғистонда ушбу кўрсаткичлар мос равишда 19,2 ва 3,4, Украинада 20 ва 4,5, Россияда 22,1 ва 3,9 фоизга тенг.

Бошқарув аппаратига сарфланадиган харажатларга келсак, ушбу харажатлар давлат бюджети жами харажатлар миқдорининг 1,9 фоизини ташкил этади — мазкур кўрсаткич бўйича мамлакатимиз бозор иқтисодиёти ривожланган давлатлар қаторида туради. Хусусан, АҚШда давлат бошқаруви харажатлари бюджет харажатларининг 1,1 фоизини, Германияда эса 1,7 фоизини ташкил этади.

Айни вақтда шуни таъкидлаб ўтмоқчиманки, юқорида айтилган ходимлар сонини камайтиришда иқтисод қилинган маблағлар бошқарув ва муассасаларнинг моддий-техник таъминотини мустаҳкамлашга ва ушбу ташкилотлар ходимларини моддий рағбатлантиришга йўналтирилади.

**А. УСМОНОВ:** — *Маъмурий-бошқарув ходимларининг сони камайтирилиши биринчи марта юз бераётгани йўқ, албатта. Бундан аввалари ҳам ҳукуматимиз ушбу масалани кўриб чиқиб, муайян чора-тадбирларни амалга оширган. Айтинг-чи, айни вақтдаги чоралар аввалгиларидан нимаси билан фарқ қилади?*

***М. НУРМУРОДОВ:*** — Биринчидан, бу фарқ чораларнинг кўламидадир. Юқорида қайд этганимдек, шу вақтгача бошқарув ходимлари сони қисқартирилиши бугунги кундагидай уларнинг бошқарув ва мувофиқлаштирувчи функция ва вазифаларини камайтириш билан бирга уйғунлашган ҳолда амалга оширилмаган.

Иккинчидан, таҳлиллар шуни кўрсатадики, ҳар йили бошқарув аппарати қисқартирилишига қарамай, баъзи бир вазирликлар, идоралар ва бошқа бошқарув тузилмалари умумий ходимлар сонини техник ва хизмат кўрсатувчи ходимлари ҳисобига ҳаддан ташқари ортиқча кенгайтириб келган. Бунга, шунингдек, бошқарув тузилмалари ходимларининг чекланган сонини хизмат кўрсатувчи ходимларнинг кўрсатмасдан тасдиқлашнинг мавжуд амалиёти ҳам имкон берган эди.

Ушбу нуқсонларни бартараф этиш, бошқарув органлари ходимлари сонини тартибга солиш, маблағ билан таъминлаш манбаларидан қатъи назар, улар таъминотига сарф-харажатларни қисқартириш мақсадида давлат ва хўжалик бошқаруви республика ва ҳудудий органлари ходимларининг чекланган умумий сонини тасдиқлаш жорий этилди. Бундан ташқари, бошқарув, хизмат кўрсатувчи ва техник ходимларнинг лавозимлари номенклатураси ишлаб чиқилиб тасдиқланди. Техник ва хизмат кўрсатувчи ходимлар сонининг бошқарув аппаратига нисбатан оптимал миқдори нисбати ҳисобланмиш кўрсаткичлари норматив ҳужжатлар томонидан ўрнатилиши жорий этилди.

***О. ОБИДОВ:*** — Шу муносабат билан Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва Молия вазирлиги ҳамкорлигида бошқарув фаолиятининг замонавий мазмунини, бошқарув ходимлари номенклатурасини (сафини), бошқарув ходимлари ва ёрдамчи персонал нисбатини белгиловчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилиб, Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтказилди.

Маълумки, бунга қадар ҳам маъмуриятчилик, ҳам бошқарув, ҳам лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқувчи, назорат ва бошқа кўплаб бошқарувдан йирок бўлган функцияларни ўзида мужассамлаштирган ва маъмурий-бошқарув тизимига хос бўлган «маъмурий-бошқарув ходимлари» тушунчаси қўлланар эди. Ҳаттоки, техник назоратчи, кинотеатрларда ишловчи назоратчилар (контролёрлар)гача бошқарув ходимлари жумласига киритилган эди. Бу эса лавозимларни муайян тоифаларга ажратишни мураккаблаштириб, бошқарув ходимлари сонини, уларга кетадиган харажатларни кўпайтириш учун шароит яратган эди. Мисол учун, ходимлари сони 8 киши қилиб белгиланган Давлат патент идорасини олиб кўрайлик. Ўрганиб чиқилганда, бу идорада 49 киши бошқарув вазифаларини бажариши билан машғуллиги маълум бўлди. Шундай аҳвол республика ва маҳаллий даражалардаги давлат ва хўжалик бошқарувига мансуб бошқа бир қатор ташкилотларда ҳам мавжудлиги аниқланди.

Бугунги кунда барча даражаларда, у хоҳ давлат бошқарувига, хоҳ хўжалик бошқарувига ёхуд корхоналарга тааллуқли бўлсин, бошқаришнинг мазмунини белгилашда бошқариш объекти олдига қўйилган мақсадларга эришиш учун зарур ташкилий шароитларни яратиш ва ривожлантириш асос қилиб олинган. Раҳбар, бошқариш персонали мутахассиси, корхонанинг асосий ишлаб чиқариш персонали, техник ва хизмат кўрсатиш персонали тушунчаларининг мазмуни ҳам айнан шундан келиб чиқади. Бошқарув фаолиятининг замонавий мазмуни — у корхона жамоаси, иқтисодиёт тармоғи ёки бутун жамиятга нисбатан ишлатилишидан қатъи назар — бошқарув объектининг самарали бошқарилиши учун зарур бўлган тадбирларни ишлаб чиқиш ва қабул қилишга йўналтирилган фаолиятдир. Шунга мувофиқ, содда қилиб айтганда, раҳбарлар — зарур қарорлар қабул қилувчи персонал, бошқарув персонали мутахассиси — бошқарув қарорларини ва тадбирларини қабул қилиш учун ахборотни тайёрловчи ва унинг ижросини ташкил қилувчи ходимлардир.

Бошқариш персонали сонини камайтириш бўйича оптимал бошқарув меъёрларини ҳисобга олган ҳолда пухта таклифлар тайёрлаш мақсадида давлат ва хўжалик бошқарув идораларининг барча ходимлари фаолиятини чуқур таҳлил қилиш бундай идораларда хизмат қилаётган ходимлар сонини 22 фоизга камайтириш имконини берди.

Давлат бошқарув идоралари фаолияти самарадорлигини ошириш ва уларга сарфланадиган харажатларни камайтириш нуқтаи назаридан қаралганда, хизмат кўрсатиш ва техник персонал ва бошқарув персонали орасидаги оптимал нисбатларни белгилаш муҳимдир. Масалан, 30 кишидан иборат бошқарув персоналига эга давлат ёки хўжалик бошқаруви идорасида яна шунча техник ва хизмат кўрсатиш персоналининг меҳнат қилиши, яъни 1 га 1 нисбатда ходимларнинг бундай тоифаларидан иборат бошқарув жамоаси фаолиятини ташкил қилиш йўл қўйиб бўлмайдиган ҳолдир.

Яна бир мисол. Бир ташкилотда ҳар бир компьютерга биттадан оператор биркитилган, дейлик. Ваҳоланки, ҳар бир компьютерда ишлаш учун биттадан «ЭҲМ оператори» учун иш жойи яратиб бериш нотўғри. Чунки компьютер ҳар қандай бошқарувчининг иш қуроли ҳисобланади. Шунинг учун ҳам турли бошқариш тузилмаларининг иш хусусиятлари тажрибасидан келиб чиққан ҳолда бошқарув, техник ва хизмат кўрсатиш ходимларининг тегишли нисбатлари белгиланди. Айтиш лозимки, бошқарув персоналига сарфланадиган харажатларни тежаш ва оптималлаштиришни ҳисобга олиб, бу нисбатларни хўжалик ҳисобидаги корхоналарда ҳам қўллаш мумкин.

**А. УСМОНОВ:** — *Давлат ва хўжалик бошқарувини тартибга солиш жараёнида ўз вазифаларидан бўшатилган ходимларнинг тақдири қандай кечади?*

***О. ОБИДОВ:*** — Бизнинг таҳлилларимиз шуни кўрсатдики, уларнинг 65 фоиз атрофидаги қисми ўзлари ишлаб турган тузилмаларда ишга киришди — уларнинг тажрибаси ва малакаси бошқа иш жойларида қўл келди. Шу муносабат билан ишдан бўшатилган ходимлар давлат ва хўжалик бошқарувининг бесамар ходимлари, деган фикрнинг нотўғрилигини айтиб ўтиш лозим. Таъкидлаш жоизки, бу ходимлар ўзларининг салбий-носалбий томонлари учун эмас, балки бошқариш органлари функциялари ва вазифаларининг оптималлаштирилиши туфайли ишдан бўшатилган. Шунинг учун ишдан бўшатилганларнинг аксарияти юқори касб-малака салоҳияти ва иш тажрибасига эга эканликларини эътироф этишимиз зарур.

Ишдан бўшатилганларнинг тахминан 20 фоизи мустақил бизнес соҳасида фаолият кўрсатиш истаклари борлигини билдиришди. Уларнинг муқаддам бошқарувчилик фаолиятидаги тажрибаси, шубҳасиз, ўз тадбиркорлик ишларини ташкил қилишда асқотади.

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Давлат мулки қўмитаси, ҳокимликлар, Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси ва бошқа ташкилотлар уларга бошланғич сармояга эга бўлишларида кўмаклашадилар.

Ишдан бўшаганларнинг яна 5 фоизи — пенсия ёши арафасидаги фуқаролар бўлиб, улар қонунчиликда белгиланган тарзда муддатидан олдин пенсияга чиқиш имкониятига эгадирлар.

Мустақил иш топишда ёки ўз тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилишда қийналганларга келсак, бу борада меҳнат органлари уларга ишга жойлашишларига, қайта ўқишлари ёки янги касбга эга бўлишларига, ё бўлмаса, ишсизлик нафақасини олишларига ёрдам берадилар.

**А. УСМОНОВ:** — *Бугунги давра суҳбатимиз самимий, очиқ мулоқот тарзида ўтганини таъкидлаб, мазмунли суҳбатларингиз учун миннатдорчилик билдираман.*

**«Халқ сўзи» мухбири**
**Икром ЎТБОСАРОВ ёзиб олди.**

